



ТИЛ ТАЪЛИМИДАГИ БИР МУАММО ВА УНИНГ ЕЧИМИ ҲАҚИДА

АБДУЛЛАЕВ Ж.Х. (ГулДУ)

Аннотация

Мақолада ўзбек адабий тилини ўқитишда ҳукм сураётган муаммоли бир ҳолат – муайян бир тил бирлиги ҳақидаги бир-биридан фарқли, ҳатто бир-бирига зид талқинларнинг мавжудлиги ўқитиш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир қилиши, ушбу муаммони ижобий ҳал қилиш йўли ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тил назарияси, тил таълими, бир хил талқин, ҳар хил талқин, психологик муаммо, мустақил ўқиб, уқиб олиш, субъектив ва объектив омиллар, ўқув режа, тўғарак, ўқувчи-талабанинг интеллектуал иш коэффициенти, таълим сифати ва самарадорлиги.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг синтактик хусусиятлари ёритилган илмий тадқиқотларда ва улар асосида яратилган дарслик, ўқув кўлланмаларида бир тил бирлиги ҳақида бир-биридан фарқли, ҳатто бир-бирига зид талқинлар ҳукм сураётгани илм аҳлининг кўпчилигига аён. Тил илми учун бу табиий ва ижобий ҳолат хисобланади, албатта. Зеро, илмий ҳақиқат шундай курашларда юзага чиқади. Бироқ, бу ҳолат тил таълими учун тўғри келадими, бир бирлик, ҳодисанинг ҳар хил талқини тил ўқитишда ижобий рол ўйнайдими? Қуйида шу ҳақда фикр юритилади.

Бизнинг назаримизда, тил таълими учун айтилган бир тил бирлиги, объекти ҳақидаги таърифий-тавсифий ҳар хилликлар ўзини оқламайди. Ушбу ҳолатнинг, яъни ҳар хил таъриф-тавсиф мавжудлигининг ўзиёқ ўқувчи-талабада ёқимсиз психологик муаммо ҳосил қилиб, унинг ижобийдан кўра салбий томони босиб кетиши турган гап. Негаки, биринчидан, ўқувчи-талабаларнинг уларни ўзлари мустақил ўқиб, уқиб олишлари ҳақида гапириш ортиқча - субъектив омиллар ҳам, объектив омиллар ҳам бунга йўл қўймайди: бир томондан, бу ёшдагиларнинг абстракт тафаккури турли хил назарияларни ўзлаштириш ва фарқлашдек оғир юкни кўтаришга ожизлик қилса, иккинчи томондан, улар она тили ёки тилшунослик фанлари билан бирга, бошқа фанлар материалларини ҳам ўқиши, уқиши, ўзлаштириши лозим бўладики, бунинг учун ҳам, албатта, алоҳида вақт, асаб, сабр-тоқат, ирода керак бўлади; иккинчидан, бу назарияларни ўзлари ишлаб чиқмаган фан ўқитувчиларига уларнинг моҳиятини очиб, қай бирининг афзаллигини кўрсатиб беришлари учун зарур илмий салоҳият ҳамма вақт ҳам етарли бўлмайди (уларнинг методик салоҳиятларини инкор этмаймиз,



албатта), қолаверса, ўқув режада бундай чуқур талқин учун соат ажратилмайди; учинчидан, бу масалаларни тўғарак машғулотларида муҳокама қилиш имконияти ҳам чегараланган. Тўғарак фақат бир курс талабаларидан иборат бўлмайди. Шундай бўлган тақдирда ҳам тўғарак машғулотларини шундай мураккаб муаммоли масалаларни ҳал қилишга бағишлаш тингловчиларнинг тўғаракка бўлган қизиқишларини сусайтиради. Тўғаракда талабаларнинг ўзларини қизиқтирган масалалар муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазага ҳам эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Қизиқ, буларнинг ҳаммаси учун айнан қанча интеллектуал куч, энергия керак бўлади? Умуман, ўқувчи-талабанинг бир кунлик, бир ҳафталик, бир ойлик интеллектуал иш билан шуғуллана олиш имконияти, меъёри (ёки интеллектуал иш коэффиценти) илмий асосда ишлаб чиқилганми? Ишлаб чиқилган бўлса, унга қанчалик амал қилиняпти? Фан ўқитувчиларида бу ҳақда маълумотнома ёки методик қўлланма борми?

Бунинг устига, яна бошқа бир томони ҳам бор - тури хил дарсларда ўқувчи – талабаларга берилаётган уй ва мустақил иш топшириқлари йилдан-йилга кўпайиб, мураккаблашиб бораётир. Шиддат билан ривожланаётган ижтимоий ҳаёт, фанларнинг янгича қарашлар, талқинлар билан раванқ топаётгани шуни тақозо этмоқда, албатта. Аммо, юқорида таъкидлаганимиз-дек, уларни ўқитиш, ўзлаштириш жараёнининг илмий асослари қанчалик ишлаб чиқилган ва у талабга жавоб берадими? Талаб ва таклиф ўзаро мута-носиб, мувофиқми? Бу ёқда фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси масаласи ҳам бор. Таълим муассасаси, фан мутасаддилари ва ўқувчи-талабалар бу жиҳатдан ҳам ДТС талабларига жавоб беришлари лозим бўлишини ҳисобга олсак, вазият ўта жиддий, ташвишли, туб ислохотларга муҳтож эканлиги янада яққол кўзга ташланади.

Энди, шундай шароитда таълим берувчиларнинг турфа хил, ҳатто бири иккинчисини инкор қилувчи қарашларни ўқитишга, таълим олувчиларнинг эса уларни тушуниб, ўзлаштириб олишларига қанчалик эҳтиёж, зарурат бор?

Ўрни келганда ушбу масалага алоқадор яна бир муаммони ҳам айтмаса бўлмайди. Бу тилшунослигимиз ва унга асосланган дарслик, ўқув қўлланма-ларида



бир тил бирлиги ҳодисаси ҳақидаги ҳар хил талқинларнинг ҳар бири-нинг ўзида ҳам ички карама-қаршилиқлар, зиддиятлар, номуносиблиқлар борлиги, уларга ҳанузгача барҳам берилмагани, берилмаётгани, нашрдан-нашрга кўчиб юриши ва салбий оқибатлар келтиришда давом этаётгани, бу борада илмий этика ва масъулият деган гапларнинг бир четга суриб қўйил-(аёт)ганидир. Бунинг учун на мазкур назарияларнинг муаллифларини, на улар асосида яратилган дарслик, ўқув қўлланмаларнинг яратувчиларини оқлаб бўлади. Шу ўринда барчамизга аён яна бир ҳақиқатни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Гап шундаки, буларнинг ҳаммаси учун казо-казо жавобгар шахслар, масъуллар бор, махсус қайд қилиб ҳам қўйилган. Аммо улар, яшириб нима қилдик, фақат ном, қалқон учун қўйилган. Акс ҳолда, ўқув адабиётларида А.Ҳожиёв¹², Ё.Тожиёв¹³, Н.Маҳмудов¹⁴ каби олимлар кўрсатган жиддий камчиликлар бемалол “саёҳат қилиб” юрмас эди! Бундай аҳволда ҳозирги ўзбек адабий тили, она тили дарсларининг сифати ва самарадорлиги биз кутган даражада бўлмаслиги ва бўлмаётгани алоҳида исбот талаб қилмайди, деб ўйлаймиз. Ҳозирги битирувчиларнинг тил билими билан бундан эллик йил олдинги ёшларнинг тил билимини фикран солиштириб кўрсак, олдингиларники босим келиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ваҳоланки, бугунги яратилган шароитда аксинча бўлиши керак эди.

Демак, айб бизда, ўзимизда, хусусан, назарийчи тилшунослар ва методистларда. Ўзбек тили бўйича назарийчи методистлар камлигини ҳи-собга олсак (янглишмасак, она тили ўқитиш методикаси бўйича ҳозирги кунда бор-йўғи 2-3 фан докторимиз бор, холос?!), асосий айб назарийчи тилшуносларда бўлиб қолади. Аслида ҳам, ҳақиқат бундан бошқача эмас. Зеро, асосий дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифларининг кўпчилиги назарийчи методистлар эмас, балки назарийчи тилшуносларнинг ўзларидир. Бунинг ижобий томони йўқ эмас, албатта, аммо, салбий томони...

¹² Ҳожиёв А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар// ЎТА, 2004, 3-сон, 30-36-б.; 2005, 4-сон, 47-48-б.; Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари// ЎТА, 2006, 3-сон, 27-30-б.; 2006, 5-сон, 31-36-б.; 2007, 5-сон, 27-33-б.; 2008, 5-сон, 47-53-б.; 2008, 6-сон, 30-39-б.

¹³ Тожиёв Ё. Ўзбек тилида гап ва гап бўлақларининг мақоми масаласига доир// ЎТА, 2004, 6-сон, 51-54-б.; Тилшунослиқдаги баъзи муаммолар ҳақида мулоҳазалар// ЎТА, 2004, 6-сон, 25-30-б.; Яна сўз, лексема, сўзшакл, морфема, морфемика ҳақида// ЎТА, 2008, 6-сон, 43-50-б.

¹⁴ Маҳмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми// ЎТА, 2009, 44-56-б.



Айрим асосий ўқув адабиётларидаги ўқув материалларининг мураккаб илмий (терминологик) услубда берилгани (ўзбек филологияси ва тилларни ўқитиш йўналишидаги баъзи ҳозирги ўзбек адабий тили номидаги ўқув адабиётлари назарда тутиляпти, уларни ўқиб, тушуниб, ўқиб, ўзлаштириб олиш учун тилшунос мутахассис бўлиш керак бўлади, улардаги айрим масалаларга эса бу ҳам камлик қилади. Ваҳоланки, улар ўқувчи-талабалар учун мўлжалланган) алоҳида ўрганишни талаб қиладиган жиддий муаммо. Шу сабаб бу масалага тўхталмаймиз. Бизни айти ўринда қизиқтиргани ва ўйлантиргани улардан ўрин олган асосий тил бирликлари назариясидаги ҳар хилликлар, зиддиятли ҳолатлар, аниқлик ва изчиллик, қамровдорликнинг етишмаслиги, баъзи чалкашлик, номувофиқликлар.

Ваҳоланки, она тили ўқитишнинг назарий асоси таълим босқич-ларининг барчасида ягона, бир хил бўлиши ва у соддадан мураккабга томон аниқ ва изчил равишда давом эттирилиб, такомиллаштириб борилиши лозим Акс ҳолда, яъни амалдаги каби ўзаро ҳам, ўз ичида ҳам зиддиятли, ноизчил, чалкаш, ўзгани ҳам, ҳатто ўз-ўзини ҳам инкор қиладиган томонлардан ҳоли бўлмаган ҳолатда¹⁵ фанимизни ўқитишдан олдимизга қўйилган вазифаларни давр талаб қилган даражада бажариш ва пировард мақсадларимизга эришиш мушкуллашади. Ўзбек тилида гап бўлақларини ўқитишдаги амалдаги ҳолат бунинг исботи. Демак, уларни юқорида қайд этилган бир хил назарий асосли тизимга келтириш бу борада сифат ва самарадорликка эришишнинг муҳим омилидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми// ЎТА, 2009, 44-56-б.
2. Rahmatullayev SH. Hozirgi adabiy o'z bek tili. T., 2006.
3. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. T., 2009.
4. Тожиёв Ё. Ўзбек тилида гап ва гап бўлақларининг мақоми масаласига доир//ЎТА, 2004, 6- сон, 51-54-б.; Тилшуносликдаги баъзи муаммолар ҳақида мулоҳазалар//ЎТА, 2004, 6-сон, 25-30- б.; Яна сўз, лексема, сўзшакл, морфема, морфемика ҳақида//ЎТА, 2008, 6- сон, 43-50- б.
5. Ҳожиёв А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар// ЎТА, 2004, 3- сон, 30-36- б.; 2005, 4-сон, 47-48- б.; Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари//ЎТА, 2006, 3- сон, 27-30- б.; 2006, 5-сон, 31-36- б.; 2007, 5-сон, 27-33- б.; 2008, 5- сон, 47-53- б.; 2008, 6- сон, 30-39-б.

¹⁵ Булар ҳақда юқорида кўрсатилган ишларга қаранг.